



Nukusshahri, 230100, A.Dosnazarov k. 62

Nókis qalası, 230100, A.Dosnazarov k. 62

Tel: (0-361) 2222437, 2229520: www.kkedu.uz, e-mail: qoraqalpogiston xtv@xtv.uz

*22 - апрель* 2021-йил/йil.

№ *02-0219-2023*

**Тахтакўпир тумани Айдын кўл МФИ  
Бердақ кўчаси 20-ўйдаяшовчи фуқаро  
Ибраймов Ратбай Зарубаевичга**

**нусқаси:**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ  
таълими вазирлигига**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизнинг, 2021-йил 14-апрелдаги Тахтакўпир тумани 7-сонли умумтаълим мактабининг бошланғич таълим фани ўқитувчиси С.Сейтекованинг хатти-ҳаракатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига йўллаган мурожаатингиз тегишли мутахассислар билан биргаликда ўрганиб чиқиб қўйидагиларни маълум қилади.

Сиз аввал ҳам ушбу мазмундаги Тахтакўпир тумани халқ таълими бўлимига йўллаган мурожаатингиз Қонун доирасида ўрганилиб, 2020-йил 24-декабрда 01-01/3-540-сонли хати билан тўлиқ жавоб берилган.

Шунингдек, ушбу мазмундаги мурожаатингиз Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига келиб тўшган бўлиб, мурожаат тегишли тартибда ўрганиб чиқиб 2021-йил 19-январда 01-03/09-226-сонли жавоб хати берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасига асос агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янги очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади деб кўрсатилган.

Сизга, вазирлик томонидан 2021-йил 19-январдаги 01-03/09-226-сонли берилган жавоб хати билан чекланганлигимизни маълум қиламиз.

Агар берилган жавоб хатидан норози бўлсангиз юқори турувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқингиз бор эканлиги тушунтирилади.

*иккинчи манзилга маълумат тарийҳасида юборилади.*

**Вазирнинг биринчи  
ўринбосари в.в.б.**

**Қ.Бекбаўлев**

3-sh.

"O'zbekiston pochta"



aksiyadorlik jamiyati

3/5164

-son KVITANSIYA

(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)

buyurtma 3/11 qabul qilishda  
(jo'natma turi) (alohida belgisi)

Qayerga Мақмақовлар району

Kimga U Spoin-lob Tambo

Og'irlik \_\_\_\_\_ g.

Jo'natish uchun to'lov \_\_\_\_\_ so'm \_\_\_\_\_ tiyin

Qabul qildi [Signature]  
(imzo)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**  
**Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида**  
(янги тахрири)

**30-модда. Муурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш**

Муурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий муурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва муурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар муурожаат қилувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақирилишнинг имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган муурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар муурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг муурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий муурожаатни кўриб чиқиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, муурожаат қилувчи такрорий муурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган муурожаат қилувчидан такрорий муурожаат келиб тушган тақдирда, бундай муурожаатни кўриб чиқиш муурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Муурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда муурожаат қилувчига давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Муурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-гадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Муурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 сентябрь,  
ЎРҚ-445-сон